

## УПАНИШАДЛАРДА КОСМОГОНИЯ ВА ЯРАТИЛИШ ҲАҚИДАГИ ҒОЯЛАР ТАЛҚИНИ

**ШАКИРОВА НОДИРА**

Тадқиқотчи, ТошДШИ

***Аннотация.** Мақолада “Прашна” Упанишадидаги борлиқ тўғрисидаги қарашлар 6 та савол-жавобда тўлиқ очиб берилган.*

***Таянч сўз ва иборалар:** борлиқ, материя, Олий мен, Прана, Апана, Сумана, Вьяна, Уданд, Ом.*

***Аннотация.** В статье раскрывается знания о вселенной в Упанишаде «Прашна» на основе ответов на 6 вопросов.*

***Опорные слова и выражения:** вселенная, материя, великое Я, Прана, Апана, Суман, Вьяна, Уданд, Ом.*

***Abstract.** The article considers the thoughts of Universe in “Prashna” Upanishad by the answers 6 questions.*

***Keywords and expressions:** universe, substance, I, Prana, Apana, Sumana, Vienna, Udand, Om.*

Табиат ва борлиқ ҳар қандай фалсафий таълимотда доминант тушунчалар ҳисобланади. Минг йиллик фалсафий ва диний таълимотлар бунга гувоҳ бўлиб келмоқда. Упанишадлар фалсафасида ҳам борлиқ асосий масалалардан бири ҳисобланади.

Упанишадларда мавжудлик ҳаракати тўртга бўлинади<sup>1</sup>.

Биринчи ҳаракат. Энг аввало, яққалик ғояси ҳамда мустаҳкам руҳ, жоннинг яшаши, ҳаракат борлиғи ва кўриниш ғояси ётади. Бу ерда моддий ва маънавий ҳаёт руҳ эркинлигининг Худо билан биргаликдаги ажралмаслиги асосида юзага келади. Бу кўп ҳаракатнинг фаоллиги сабабли содир бўлади. Яқунда, бу Худонинг барча жараёни бошқаришини билдиради.

Иккинчи ҳаракат биринчи ҳаракатни қайтаради ва тўлдиради. Ягона яратувчи ва кўп сонли ҳаракат ягона Брахман сифатида кўрилади. Ҳар қандай ҳолатда яхлитлик ва

турғунлик мавжуд нарсалар асосида бўлади. Ҳаёт қонун-қоидаларини бажариш, асосан, кишининг ўзи томонидан танлаган тажрибалари орқали топилади ва натижада, у ўзлигини англайди. Аммо бунинг акси ҳам бўлиши мумкин.

Учинчи ҳаракат – ҳаётинг қайтиши бўлиб, бу – Худо ҳақидаги концепция ва сабабиятига боғлиқ.

पूषन्नेकर्षे यम सूर्य प्राजापत्य

व्यूह रश्मीन समूहतेजः

यत्ते रूपं कल्यानतमं तत्ते

पश्यामि यो सावसौ पुरुषः सौ हमस्मि।।<sup>2</sup>

Таржимаси: О Асрагувчи! Ягона билгувчи! Мавжудликларнинг олий ҳаками! Сен барча йўллар билан ёруғликларнинг бошқарувчисан. Ҳамма сенга тоат-ибодат қилади.

Тўртинчи ҳаракат дунёнинг ривожланишида Суря ва Агнининг мутлақ ҳақиқати билан боғлиқликдаги шакли ҳисобланади.

<sup>1</sup> The Upanishads. Translation and commentary by Shri Aurobindo. – Dehli: Sri Aurobindo Ashram Trust, 2010. – P. 26.

<sup>2</sup> ईशापनिषद(II:I) दिल्ली. 1926. – P. 13.

Худо ва дунё, рух ва табиат бир-бирига қарама-қарши ҳамда боғлиқ тушунчалардир. Бутун дунё рухнинг ҳаракатидир ва у кўп сонли, абадий ва ўткинчи бўлиб, пайдо бўлади, заволга юз тутади, бу жараён қайта-қайта содир бўлади.

Борлиқдан ажралган ҳар бир объект ҳақиқатан ҳаракатнинг пайдо бўлиши орқали юзага келади. Яъни, объект Микрокосмос сифатида кўрилиб, у Макрокосмоснинг бирлиги ҳамдир. Ҳали-ҳамон ҳаракат принципининг боғлиқлиги ва ҳаракатнинг натижаси Микро ва Макрокосмосни ўз ичига олади, дунёлардан дунё, ҳаракатлардан ҳаракатнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Булар табиатнинг иштирокчилари ва табиат билан биргаликда олиб борилади.

Прашна Упанишадида борлиқ тўғрисидаги тушунчалар 6 саволда тўлиқ очиб берилган. Бу жараён устоз ва шогирд ўртасидаги суҳбат тарзида келтирилган. Шогирд ўзига маълум бўлмаган сирли билимлар ҳақида саволларни бирма-бир сўрайди. Устоз Ригведа ва Яжурведадан далиллар келтириб саволларга ойдинлик киритган.

1. **अत्मन**, яъни Атман сўзи мавжудлик маъносини билдириб, у онг, нутқ ва нафасдан иборат. Бу тушунча илк бор Упанишадларнинг Шветашватара Упанишадида ишлатилган. Упанишадларда **अत्मन** ўрганиш объекти ҳисобланади ва биринчи саволда куйидагича ифодаланади.

Биринчи савол. Бир куни шогирд Кабандҳи Катяяна устози авлиё Пиппадада олдига келиб сўради: “Барча яратилган нарсалар қаердан келган?” Устоз шундай жавоб берди: “Бошланишида яратилиш жараёни узоқ давом этган. Яратувчи медитация жараёнида бўлган. Шундан сўнг Нур, Материя ва Мавжудлик, Ҳаёт пайдо бўлган. Куёш бу – ҳаёт, Ой эса материядир. Ҳамма шакллар, қаттиқ ва юмшоқ материя мавжуд. Куёш тонгда Шарқ томондан кўтарилгандан сўнг, у бутун Шарққа ҳаёт ёруғлигини беради ва кейин Жанубга, Ғарб ва Шимолга яшаш учун ҳаёт ёруғлигини беради. Кўтарилган куёш худди олов сингари. Бу ҳақда Ригведада шундай дейилган: “Куёш олтин нурлар жилосида кўтарилади. Куёшнинг минглаб

нурлари юзлаб жойларга доимий равишда ўз нигоҳини ташлайди”. Кейин Яратувчи йил вақтларини яратади. Бунинг икки йўли бор. Бири Жануб йўли бўлса, бири Шимол йўлидир. Сўнгра Яратувчи кун ва тунни ҳам яратди. Кун бу – ҳаёт бўлса, Тун бу – материя. Кимдир кунни ёктирса, кимдир тунни ёктиради”<sup>1</sup>.

Бизга маълумки, Куёш ўз системасидаги ягона ёруғлик манбаи ҳисобланади. Технологида эришилган ютуқлар шарафи билан астрономлар Ойнинг ёруғлик манбаи эмаслигини, балки у бор-йўғи Куёшдан унга етиб келадиган ёруғликни акс эттирувчи эканлигини кашф этдилар. Бу ҳақда Куръонда шундай дейилган: “Кўрмадингизми, Аллоҳ етти осмонни қандай қаватма-қават қилиб яратди. Ойни улар ичида нур қилиб, Куёшни эса чироқ қилиб қўйди. (“Нух” сураси, 15–16-оятлар)”<sup>2</sup>.

Фан доирасида Упанишадлардаги Ведалар космологияси олимлар томонидан қадимги Ведалар илми сифатида тасдиқланган. Шунингдек, Карл Саган ҳамда Каунт Маурис Метерлинкларнинг таъкидлашича, Упанишадлардаги космология бугунги илмий кузатиш ва ҳисоблашлари айна мос тушади. Карл Сагanning таъкидлашича, Упанишадлар космологияси вақт тарозисида ўлчанганда ҳозирги замон илмий космологиясига мос тушади. Нобель мукофоти совриндори Каунт Маурис Метерлинкнинг ёзишича, космогонияда европаликлар концепцияси афзал кўрилмайди. Француз астрономи Жен Клауд Беллининг тасдиқлашича, қадимги Ведалардаги астрономик ўлчамлар юнон ва мисрликларга нисбатан аниқроқ бўлган. Бундан 4500 йил олдин ўлчанган юлдузлар ҳаракати бугунги кундаги юлдузлар ҳаракати жадвалидан бир минут ҳам фарқ қилмайди. Жайпурдаги кирол Сувай Жай Сингх номли тўққиз фут баланлиқдаги астрономик асбоб ҳар куни узоғи билан икки секундда вақтни ўлчайди. Қадимги Ҳиндистоннинг космология ҳамда бошқа илмий тажрибалари бошқа мамлакатлар билан узоқ савдо-сотик ва маданий алоқаларни ўрнатишга сабаб бўлди. Ҳинд тарихчиси Р. С. Ма-

<sup>1</sup> Juan Mascaro. The Upanishads. – London: Penguin books, 1965. – P. 67.

<sup>2</sup> Куръони Карим (ўзбекча изоҳли таржимаси. Алоуддин Мансур). – Т.: Чўлпон, 1992. 462-б.

жумдарнинг келтиришича, одамлар тижорат орқали Ғарбий Осиё ва Крит оролларида хинд цивилизациясини олиб боришган.

2. ब्राह्मण, яъни Брахман ривожланиш, эволюция, руҳият, мавжудлик ва абадийлик маъноларида келади. Бу атама илк бор Ат-ҳарваведада ишлатилган. Упанишадларда у асосан, субъект ҳисобланади ва бу иккинчи саволда қуйидагича ифодаланади.

Иккинчи савол. Бир куни Бҳаргава Ваидарбҳи устозидан сўради: “Қандай кучлар яратилиш жараёнини сақлаб туради ва қанча ҳаёт чироқларини Яратувчи ўзида ушлаб туради, уларнинг ҳаммасида Олий рух иштирок этадими?” Устоз жавоб берди: “Бу кучлар – коинотда, оловда, ҳавода, сувда, ерда, товушда, ақлда, кўз ва қулоқдадир. Бу кучлар ҳаёт чироқларини ёритади ва биз буни тўғри англай олишимиз ва улардан тўғри фойдаланишимиз керак”<sup>1</sup>.

3. प्राण, яъни Прана тушунчаси ҳаёт деган маънони билдиради. Кенгроқ маънода, ҳаётнинг пайдо бўлувчи кучи ва борлиқнинг табиий ривожланишида ҳаётнинг энергия ҳисобланади. प्राण тушунчаси хинд тиббиёт китоби Аюрведа ва Ёгада асосий тушунчани ташкил қилади ва учинчи саволда қуйидагича ифодаланади.

Учинчи савол. Бир куни Каусалая Асвалаяна устозидан сўради: “Устоз ҳаёт қандай пайдо бўлади? Қандай қилиб борлиқдан ташқарида ва борлиқ ичида бу жараён юз беради?” Устоз жавоб берди: “Ҳаёт – Олий мендан келиб чиқади. Ҳаёт – бу Прана тушунчаси билан ифодаланади. Пранадан Апана, Смана, Вяна ва Удана тушунчалари келиб чиқади. Апана ва Смана етти оловдан келиб чиққан бўлса, Вяна – Ҳаво, Удана – бу оловдир”<sup>2</sup>. Бунда устоз оловни нур тушунчаси билан боғлайди.

4. हिरन्यागर्भा, яъни Ҳираньягарбҳа интелект ёки олийлик маъносида келади. Упанишадларда у Олий Мен маъносида келади ва бу тўртинчи саволда келади.

Тўртинчи савол. Бир куни Сауряяни Гаргя устозидан сўради: “Нима учун инсонлар ухлайди ёки уйғоқ бўлади? Бунга ҳам Олий Мен алоқадорми?” Устоз жавоб берди: “Бунинг сабаби кечаси куёш йўқлигида”<sup>3</sup>.

Айнан бу тушунча Гегелда *дунёвий ақл* тушунчаси билан изоҳланади. *Дунёвий ақлга* ўхшаб Ҳираньягарбҳа ҳам барча нарса яралиш жараёнида ундан бошланиб, яқунда ҳам унга қайтади.

5. ओम्, яъни Ом ёки АУМ атамаси Брахманнинг табиати ва унинг аниқ характерини билдиради. Упанишадларда бу тушунча аниқ, кенг ва тўла символдир ва бешинчи саволда қуйидагича аниқланади.

Бешинчи савол. Бир куни Саибя Сатякама устозидан сўради: “Нима учун инсонлар ҳаётнинг сўнгги пайтларида Омга мурожаат қилишади? У нима?” Устоз жавоб берди: “Ом юқори руҳнинг учта сифатини билдиради:

“А” – бу Брахман – яратувчи.

“У” – бу Вишну – ҳимоя қилувчи.

“М” – бу Шива – вайрон қилувчи.

Ом бу ҳаётнинг асосий белгиси ҳисобланади”<sup>4</sup>.

6. पारा, яъни Пара тушунчаси юқори деган маънони билдиради. Упанишадларда бу тушунча юқори билим тушунчаси билан ифодаланади ҳамда бу билим доирасида Олий Меннинг олтига шакли иштирок этади.

Олтинчи савол. Бир куни Сукуша Бҳадважа устозидан сўради: “Сиз Олий Меннинг олтига шаклини биласизми?” Устоз жавоб берди: “Олий Меннинг олтига шакли қуйидагилар: ҳаво, олов, сув, тупроқ, ҳис қилиш ва ақл. “Мен” ҳаммасидан олдин эфирда пайдо бўлади, эфирдан ҳавога, ҳаводан оловга, оловдан сувга, сувдан тупроққа, тупроқдан ўсимликка, ўсимликдан озукага, озукадан одамга ўтади. Бундай ҳолатда, инсон озуқанинг мавжудлигидан энергия олиб яшайди”<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Juan Mascaro. The Upanishads. – London: Penguin books, 1965. – P. 68.

<sup>2</sup> Ўша манба. 70-б.

<sup>3</sup> Ўша манба. 71-б.

<sup>4</sup> Ўша манба. 72-б.

<sup>5</sup> Juan Mascaro. The Upanishads. – London: Penguin books, 1965. – P. 73.

ॐ ईशावास्यमिदं सर्वं यत्किञ्च जगत्यां जगत् ।  
तेन त्यक्तेन भुञ्जीथा मा गृधः कस्यस्विद्वनम् ॥<sup>1</sup>

Таржимаси: У ҳамма нарсаи билади. Бу ҳаракатланаётган дунёнинг ривожланиши ва ўзгариши худо томонидан бошқарилади. Шу сабабли сиз ўз ҳузур-ҳаловатингизни – фақат шу дунёдан топасиз.

Авробинда Гҳошнинг фикрича: “Веда тароналари ҳамда Упанишадларда унинг сифатлари ва қудратини ўзида мужассамлаган турли номлар остидаги ягона Илоҳ тараннум этилган”<sup>2</sup>. Бу дегани, ҳали минглаб йиллар олдин худонинг бирлиги ғояси бирор бошқа дин асосчиси томонидан эндигина тарғиб қилинаётган бир даврда, ҳиндуизм уни эътироф этиб, Ведаларда ягона Илоҳ ҳақиқати ғояси аллақачон илгари сурилган.

Чхандогя Упанишади (छान्दोग्योपनिषद्) да келтирилишича:

ॐ आप्यायन्तु ममाङ्गानि वाक्प्राणश्चुः  
श्रोत्रमथो बलमिन्द्रियाणि च सर्वाणि ।<sup>3</sup>

Таржимаси: Ом! Тонг унинг кўзлари, шамол унинг нафаси, куёш унинг чироғи, дарё унинг томирларини ташкил этади.

Умуман, Упанишадлардаги “Илоҳ ва инсон риштаси” мавзуи фақат ҳиндларга эмас, балки бошқа, масалан, хитой дунёқарашларида ҳам мавжуд. Хусусан, даосизмда Даони сўз билан аниқ ифодалаш мумкин бўлмасда, аммо “Ҳақиқат йўли”ни ихтиёр этганлар У билан мулоқотга киришиши мумкин. Ёки буддизм эътиқоди бўйича, “Ҳар бир одам табиатан Буддадир, аммо ҳамма ҳам буни англайвермайди”.

Бу ришта тасаввуфда янада реал тавсиф орқали баён этилган, айтайлик, Фаридиддин Атторнинг “Жавҳару-з-зот” асарида: “Сенинг ичингда жавҳар – Мутпатс рухнинг сири бор, аммо бу ерда сенга йўл кўрсатувчи йўқ. Охирда йўқотган нарсанг сенинг ўзингдир (аммо) сен зоҳирий сирлар бандига гирифтор бўлгансан. Сен Ҳоликнинг зоти ва

сифатлари жавҳарига эгасан, аммо зотининг дийдоридан узоқсан. Сенинг жавҳаринг барчаникидан афзалдир. Ажабки, фалак ва юлдузлар сенинг кўзларинг – дийдангдир, унинг ичидасану эшикдан ташқарисан, ҳам кўринасан, ҳам йўқсан...”<sup>4</sup>.

Табиат ва Борлиқ ҳар қандай фалсафий таълимотда доминант тушунчалар ҳисобланади. Минг йиллик фалсафий ва диний таълимотлар бунга гувоҳ бўлиб келмоқда. Упанишадлардаги саволлар дунёвий муаммолар билан боғлиқ саволлар бўлиб, унда олам нима, инсоният ва унинг руҳи нимадан иборат каби саволларнинг ўртага ташланиши таҳсинга сазовордир. Чунки бу каби саволлар ҳозирда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган Упанишадлар фалсафасида ҳам Борлиқ асосий масалалардан бири ҳисобланади. “Инсон қандай яралган? Табиат қандай пайдо бўлган?” каби саволлар ва буларга берилдиган таҳминий жавоблар ҳар бир инсоннинг яшаш тарзи, эътиқоди ва ҳатто ҳаёт маъносини белгилаб беради. Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳар бир фаннинг бошланғич нуқтаси шу саволларни билишга қаратилган, шундай долзарб муаммолар Упанишадларнинг яратилиш ҳақидаги ғояларида таҳлил қилинган.



<sup>1</sup> ईशापनिषद्(II:I) दिल्ली. 1914. – P. 6.

<sup>2</sup> Низомиддинов. Н. Ғ. Ҳиндистонда ислом: тарих, Ижтимоий-сиёсий ҳаёт ва ҳинд–муслмон маданияти. – Т.: Фан ва технология, 2006. 23-б.

<sup>3</sup> छान्दोग्योपनिषद्(II:I) दिल्ली. 1937. – P. 43.

<sup>4</sup> Ислом тасаввуф манбалари. – Т.: Ўқитувчи нашриёт матба-ижодий уйи, 2005. 174-б.